



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 3 апрель, № 64 (4217)

Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 апрель
№ УРҚ — 80

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

«Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённома (Минск, 2006 йил 23 июнь) қуйидаги шарт билан ратификация қилинсин:

«Маъмур Баённомага доир иловаларда назарда тутилган қуйидаги ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилмайди:

1) 1-Иловадаги:

13 ва 15-бандлар. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1998 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргалликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1998 йил 17 март);

18-банд. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 1999 йилда Норин-Сирдарё сув омборлари мажмуасининг сув-энергетика захираларидан биргалликда ва комплекс фойдаланиш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 1999 йил 14 апрель — 6 май);

2) 3-Иловадаги:

4-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Алмати, 1994 йил 8 июль);

9-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгариш киритиш ҳақида» қўшимчалар қилинган Битим (Алмати, 1996 йил 23 август);

16-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 1999 йил 24 июнь);

27-банд. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1994 йил 8 июлда тузилган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгариш киритиш ҳақидаги Баённома (Алмати, 2001 йил 5 январь)».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 апрель
№ УРҚ — 81

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси қўриб чиқилди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олимплар ва мутахассислар иштирок этди.

Адлия вазирлиги Ф.Отахонов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг маъмур Фармони мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Фармон ва ижро

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Ҳозирги кунда мамлакатимизда фармацевтика соҳасида юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятида ўлкамизнинг доривор ўсимликларидан арзон ва сифатли дори-дармонлар тайёрланаётгани кувонарлидир. Ана шундай корхоналардан бири пойтахтимиздаги «Нобел Фарманоат» корхонаси ҳисобланади.

Ўлкамизнинг ҳар бир гиёҳи — малҳам

Туркиянинг «Nobel Ilac San ve Tic A.S.» фирмаси инвестицияси асосида ташкил этилган бу корхонанинг импорт ўрнини босувчи турли маҳсулотлари — таблетка ва капсулалар, инъекция кўкуни, суртма малҳам ва сироп шаклидаги дори-дармонлар, айниқса, истеъмолчилар эътиборини қозонмоқда. У халқаро GMP ва GLP сифат сертификати

қўлга киритган бўлиб, бу ерда 160 дан зиёд малакали мутахассислар ишлаб чиқарилади. 2005 йилдан бошлаб эса антибактериал, замбуруғ ва яллиғланишга қарши воситалар, гипотензив, гипополитемик, антигипертензив, антидепрессант, антиаллергик, бронхларни кенгайтирувчи, ПППИ ҳамда оғриқ қолдирувчи ҳар хил дори-дармонлар экспорт

та ҳам чиқаришмоқда. Улар сифати ва ишончлилиги жиҳатидан ҳатто етакчи хорижий компания маҳсулотлари билан бемалол беллашмоқда. Топ шундаки, корхонанинг лабораторияси Япония ва Германияда ишлаб чиқарилган юқори аниқликдаги ўлчов ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда BP, USP, JP каби дунё сифат стандартлари бўйича маҳ-

сулотнинг сифати ва миқдори таҳлил қилинади. Шунингдек, хроматографик, спектрофотометрик кўрсаткичларга кўра, дори воситаларининг эриш, парчаланиш ҳолати ҳам текширилади. Айни чоғда аҳолининг маълум бир дори воситасига бўлган талаб-эҳтиёжи тадқиқ қилинади, биоживалентлик, клиник таҳлиллар асосида уни ишлаб чиқариш

учун тегишли муассасадан расмий рухсат олинади.

Устувор режага кўра, корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятинан лавҳалар.




Энг самарали сармоя

«...Таълим учун харажатлар Давлат бюджетни харажатлари умумий қийматининг қариб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажақ учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболлини белгилаб берадиган муҳим омилдир».

Ислам Каримовнинг 2005 йил, 25-27 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан «Жиньинь Жибао» газетаси мухбирига берган интервьюсидан.

Утган асрда яшаб ижод этган Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бекбуғий, Абдурауф Фитрат сингари улғу маърифатпарварларнинг энг катта ораси, бу халқни илм-маърифатли қилиш эди. Улар шу йўлда қурадилар, турли тўсиқларга дуч келсалар-да, миллат дардини айтишдан қайтмадилар.

«Маънавият» наشريётида чоп этилган «Келажақ сармоя» альбом-китобини кўздан кечириб эканмиз, болаларимиз орада қилган дорилмон кунларга етиб келганимиздан, шу замонда яшаётганимиздан шукроналар айтаман ва қувонамиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда устувор йўналиш-



лардан деб белгиланган таълим соҳасида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислохотлар натижалари, хусусан халқ таълими соҳасидаги ютуқлар баъзилар эки эгитилган альбомни шунчаки в а р а қ л а б бўлмайдими. Гоҳ тоғлар бағридаги, гоҳ адирлар қуришларидаги мушташам мактаб биноларига, бу ерда саёбқ олаётган покиза ниятли ўқувчиларга кўзингиз тушар экан, қувончдан, ҳаяжондан энтикасиш.

(Давоми 2-бетда).

МУЛҚДОРЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Садоқат Йўлдошева — жинзэхлик. У, гарчи эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаётган бўлса-да, миллий ҳунармандчилик, хусусан, каштачилик ва зардузликнинг ҳадисини олган қўли гул уста. Унинг қалб кўри, кўз нури билан тайёрланган буюмлар ҳатто хорижликларга ҳам манзур бўлаётганини айтсак, Садоқат ўз касбининг ҳақиқий соҳибаси эканлиги аён бўлади-қўяди.

— «Ташаббус» кўрик-танлови мени тadbиркорликка ундади, — дейди Садоқат. — Эсимда, ўшанда 1998 йил эди. Илк бор

тириш истаги туғилди. Шу мақсадда 2001 йили хусусий корхона очдим.

Биласизми, биз яшайдиган маҳалла «Заргарлик» деб аталади. Ўз номидан ҳам англаш мумкинки, бу ерда асосан ҳунарманд оилалар истиқомат қилади. Улар менинг ниятимдан бохабар бўлган, «Қизларимизни ҳам ёнингизга олинг, уларга устоз бўлинг», дейишди. Аслида бу менга ҳавас қилган одамларнинг катта ишончи эди ўзим учун.

Шундай қилиб, биз каштачилик ва зардузлик услубида миллий кўйим-кечаклар, спорт гимнастикаси либосларини тикиш, эски анъаналарни тиклаш билан шуғуллана бошладик, шунда мунчоқлардан тақинчоқлар, уй-рўзгор буюмлари ва безакларини ясаш, матога игна билан буюк алломаларимиз расмларини туширишни йўлга қўйдик.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

якка ҳунарманд сифатида мазкур кўрик-танловда иштирок этдим-у, Президентимиз томонидан тadbиркорларга қанчалик эътибор ва рағбат кўрсатилаётганини чўқур ҳис қилдим. Бектиёр юрагим тубида фаолиятим доирасини кенгайти-

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ишонч ёрлиқлари топширилди

2007 йил 30 март кунини Ўзбекистон Республикасининг НАТО ҳузуридаги ваколатхонаси раҳбари Эсон Мустафоев НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схефферга Ишонч ёрлиқларини топширди.

Тақдирдан сўнг бўлиб ўтган сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан НАТО ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

«Жаҳон» АА.

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

Лапар ва ўланлар халқ ижодиёти дурдоналари ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос оҳангу наволари бор. Бухоро воҳасида асрлар оша қуйланиб келинаётган турли маросим қўшиқлари, ёр-ёрлар, лапарлар халқона қочиримларга бойлиги ва бетақорлиги билан ажралиб туради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ушбу маънавий меросни асраб-авайлаш ва янада бойитиш мақсадида ташкил этилган лапар ва ўлан ижрочилари республика кўрик-фестивалининг Бухоро вилоят босқичи бадийи ҳаваскорлик жамоалари изланишларининг ўзига хос кўриги бўлди.

Кўриқда театрлашти-

рилган томошалари орқали воҳанинг қадимий лапар ва ўланларини маҳорат билан ижро этган Бухоро шаҳридаги «Қамолот» маданият уйи вакиллари голибликни қўлга киритди. Фиждудов ва Қорақўл туманлари бадийи ҳаваскорлик жамоалари совриндорлар сафидан ўрин олди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎЗА мухбири.



ДУНЁ НИГОҲИ

— Ўзбекистонга бир бора бўлса-да ташриф буюрган одам унинг гузаллигини умр-бод ёдида сақлаб қолади. Бу юрт нафақат кўнра тарихи, бетақор ёдгорликлар, балки жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган нодир маданияти, амалий санъати, илм-фани, эдабийи, мусикаси ва рақслари билан ҳам севҳрлаб кўяди кишини.

Бернд-Дитер ФРИДРИХ, Германиянинг «Амон-Интернэйшнл» жадидро жағлармисис директори.

КЕЛАЖАК ТАЯНЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида «Фарзандлар — юрт келажаги» мавзунда учрашув бўлиб ўтди.

Маъмур олий таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, шоир ва ёзувчилар иштирок этган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, солиқ академияси ректори Э.Гадовев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қарамони А.Орипов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ишлар камолоти йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидладилар. Зеро, фарзандининг эртаси ҳақида қайғуриб яшаш миллатимизга хос эзгу фазилатлардандир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури асосида мамлакатимизда йўлга

қўйилган узлуқсиз таълим тизими ўз самарасини бермоқда. Солиқ йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда ҳам айни шу тизим имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Солиқ коллежлари ва академик лицейларини муваффақиятли тугатган ишларнинг кўпчилиги Солиқ академиясида тахсил олмақда. Тингловчиларнинг ўз соҳасининг етуқ мутахассислари, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб таълим-тарбия олишлари учун академияда барча шароитлар яратилган.

Тadbирда ишлар давлатимиз томонидан қўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 3 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	1016,67	1 Исландия кронаси	19,01	1 Швейцария франки	1029,40
1 Англия фунт стерлинги	1485,67	1 Канада доллари	1085,67	1 ЕВРО	1670,88
1 Дания кронаси	241,72	1 Ҳитой юани	161,90	10 Жакубий Корея вони	13,33
1 БАА дирҳами	224,33	1 Малайзия ринггити	362,38	10 Япония иенаси	106,19
1 АКШ доллари	340,75	1 Польша злотийи	432,66	1 Россия рубли	48,10
1 Миср фунти	1251,13	1 СДР	1889,44	1 Украина гривнаси	247,75
	219,79	1 Туркия лираси	900,09		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни узиб қийматда топиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Ғолиблар талаба бўлишади



Унда мактаб, туман, вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 258 нафар ўқувчи 22 дан йўналиши бўйича билимларини синовдан ўтказдилар.

Олимпиадада совринли ўринларни эгаллаган 61 нафар (3 нафари қорақалпоқ тили) ўқувчига олий таълим муассасасига тест синовларисиз кириш имтиёзи берилди. Бундай имтиёзга сазовор бўлганларнинг 47 нафари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари бўлса, 14 нафари ўрта махсус таълим муассасалари тарбияланувчилари.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Темур ҚУРБОНХОЕВ олган суратлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намойиш қилиши учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қўбилари эга хотин-қизлар жамият ҳаётининг барча жабхаларида фаол иштирок этмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, фуқароларнинг ўз саломатлигига эътиборини кучайтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг йўлга қўйиш, аёлларнинг яшаш ва меҳнат шарафтини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш масалалари алоҳида эътиборда. Бу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ўтган йили жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ҳамда спорт тадбирларида иштирок этаётган хотин-қизлар сони 7,5 миллион нафарга етди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан ярим миллион кўп демакдир.

қўлаётган тадбиркор аёлларга тижорат банлари томонидан 49 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Ийгилишда Ақлия вазирилик томонидан Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар тахлилга алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизлар ва воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, оила-ниҳоҳ муносабатлари борасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бунда ФХДК органлари ҳузурида тахлил этилган Оила доирли фуқаролари, ёш оила мактаблари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида эришилган ютуқларни мустахкамлаб, ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланганлиги алоҳида эътибор олинди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.


Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Янги гузар

Гулистон шаҳрининг «Намуна» маҳалласида истиқомат қилувчилар Нарвўз айёми кунларида ажойиб тухфага эга бўлдилар.

Тадбиркор Дехқонбой Душаев эски кинотеатр биноси ўрнида янги гузар бунёд этди. Эндиликда маҳалла ахли тўй ҳамда ҳашамларни мана шу кенг ва ёруғ бинода ўтказишади.

А.ХОНИМУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Нурчиларга тухфа

Фаргона шаҳрининг азим чинорлар билан куршалган кўчаларидан бирида етти қаватли мухташам бино қад ростлади. Ойнаванд, замонавий бинога Шарқий магистрал электр тармоқлари корхонасининг маъмурий-бошқарув биноси жойлашди.

Мухташам ва кўркам бинони Фаргона шаҳридаги 426-кўча механизациялашган колонна бинокорлари қисқа муддатда қуриб беришди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шукурки, саёй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Утган даврда Ватанимиз пойтахти Тошкентда ўтказилган 6-Халқаро хунармандлар ярмаркасида қатнашдим. «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича, республика босқичида эса «Энг ёш тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиб деб эътироф этилдим. Шулар ҳақида ўйларканман, Юртбошимизнинг «Ўзини мулкдор, мулк эгаси, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин кўч-ғайратини юзага чиқаради» деган сўзлари бот-бот ёдимга тушади. Ушбу сўзларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Узимдан қийс: агар хунарманд сифатида менга эркинлик берилмаганда, ҳўкуматимиз томонидан қўллаб-қувватланмаганда, мулк соҳибаси бўлмаганимда, ёш бўла туриб, бугунги ютуқларга эриша олардимми? Асло!

Булларнинг ҳаммаси, тўғриси, руҳимни кўтариб юборди, кўнчимга-кўч қўшди, эртанги кунимга ишончимни мустахкамлади. Шундай экан, бугун очкичасига айтаман: иш ҳажмини кенгайтириш, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда «Уста-шоғирда» мактаби фаолиятини янада жонлантириш, ўзбек каштачилиги ва зардузлиги санъатини бутун дунёга ёйиш, шу билан бирга, аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида касаначилик асосида ўз меҳнатини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқитиб, иш билан таъминлаш йўлида бундан бунён ҳам бутун кўч-ғайратини сарфлайвераман!

Эътибор бераянқисими, бу интилиш, Садоқат Йўлдошевнинг ўзи эътироф этганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўн бир йилдан бери ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг шарафатидир. Гап шундаки, тадбиркорлик ҳаракатини рағбатлантириш, ишбилармонлик фаолиятини янада кучайтириш ва кенгайтириш, соҳада тўпланган илғор тажриба ва ютуқларни республика миқёсида оммалаштириш мақсадида кўриш кўзда тутувчи ана шу тадбир натижасида ўтган давр мобайнида юз мингдан зиёд

тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўзларининг нималарга қодирлигини амалда кўз-кўз қилишга эришдилар. Бошқа соҳаларни кўя турайлик, шу йўналишдаги муваффақиятларнинг ўзидек иқтисодийимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқдаки, бунга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

II.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўз вақтида «Ҳозирги шароитда ҳажон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммамизга аён. Айнан кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармога талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни энгилроқ ва тез модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу

У — «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови вилоят босқичининг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиби. Кўрик-танловнинг республика босқичида эса мазкур тадбиркор етакчи бўлган жамият «Энг яхши экспортчи кичик корхона» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. — 2004 йили ишни 30 нафар хотин-қиз билан бошлаганимиз, — дея ҳикоя қилади Акромжон Ҳайдаров. — Утган йили улар сафига яна шунча ола-сингилларимиз қўшилди. Натижада корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, экспорт салмоғи ҳам ошди. 2005 йилда хорижга 54,7 минг АҚШ доллари миқдорда тайёр трикотаж маҳсулотлари чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 250 минг АҚШ долларини ташкил эт-



МУЛҚДОРЛАРИ ЭЪЗЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

тариқа бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир» дея алоҳида таъкидлаган эди. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 350 мингдан ортиган бу йўл-йўриқларнинг қай даражада ҳаётлигининг тасдиғи эмасми? Бунда «Ташаббус» кўрик-танловининг алоҳида ўрни бўлганига ким эътироф қилди?

Шу ўринда биз «350000» рақамини беҳиз тилга олмадик. Сабаби, оддий арифметика тили билан айтганда, ўтган 6 йил ичида ана шу кўрсаткич 2,3 баравар ошди! Биргина яқунланган йилда соҳада 290 мингта янги иш ўрни яратилди! Эътиборли жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз янги ички маҳсулотидидаги улуши 42,1 фоизга етиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизидан кўпроғи шу секторда фаолият юритмоқда.

Сирдарё вилоятининг Янгийер шаҳрида жойлашган «Мос Ян Текс» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонасининг раҳбари Акромжон Ҳайдаров — ўша тадбиркорлардан бири.

гани шундан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Марказий Кенгашининг аъзоси, «Сирдарё савдо-инвестиция уйи» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларидан бири бўлмиш Акромжон Ҳайдаров айти кунларда янги режаларини амалга ошириш йўлида елиб-югуриб юрибди. Унинг айтишича, бу йил яна 30 та янги иш ўрни яратилади, экспорт ҳажми ўтган йилдагидан икки баравар оширилади, Янгийер шаҳридаги 2-урта мактаб ва 2 та болалар махсус богчасига эса ҳомийлик ёрдами кўрсатилади.

Гап «Ташаббус» кўрик-танлови соҳа вакилларининг илғор тажрибаси ва ютуқларини оммалаштиришнинг самарали механизмига айланган хусусида кетаркан, бу тадбир фермерлик ҳаракатини ҳам янги погоналарга кўтарайтганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айтилайки, илгари фермер ҳўжаликлари асосан галла ва пахта етиштириш билан шуғулланган

бўлса, эндиликда улар дала ва бог нўматлари, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, мебеллар, қурилиш ашёлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, сервис хизмати қўрсатиш каби соҳаларни ҳам эгалламоқда. Бир мисол, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Рисолат Маматқулова бошлиқ «Сурхон воҳаси» фермер ҳўжалигида пахта, пилла, галла, помидор етиштириш билан бир қаторда гўшт-сут маҳсулотлари ҳамда турли мебеллар (шкاف, стол-стул, диван-кресло, алюминий эшик ва деразалар) тайёрланмоқда. Бундан ташқари, фермер ҳўжалигига қарашли цехларда кўрпа, ёстиқ, чойшаб, матрац, дастурхон, аканодоз, байроқ, беморлар ва ишчилар учун махсус кийимлар, ҳатто «Сурхон вело» русумли велосипедлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг эвазига, Бунинг эвазига 708,18 миллион сўм миқдорда даромад олинди.

— Жорий йилда эса бу борада 50,2 фоиз ўсишга эришишни мўлжалламоқдамиз, — дейди «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича 3-ўринга сазовор бўлган Рисолат Маматқулова.

— дейди «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича 3-ўринга сазовор бўлган Рисолат Маматқулова.

IV.

Бу гапларни қаламга олишдан мурод, азиз газетхон, мамлакат миқёсидаги жуда катта тадбирдан кейин кўнглимизда турилган фикрларни ўртоқлашиб эди. Чунки, мана, унинг яқунланганига ҳам бир неча кун бўлса-да, ҳамон юртдошларимизнинг ёрқин таассуротлари тиллардан тилларга ўтиб, акс-садо бермоқда. Бунинг сабаби бор, албатта. Жорий йилги «Ташаббус» республика кўрик-танловида Президентимизнинг бош соврини — урта «Матиз» русумли автомашина соҳибларидан ташқари биринчи марта ўнлаб янги номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

«Энг яхши экспортчи йирик корхона», «Энг яхши экспортчи кичик корхона», «Энг яхши пахтакор фермер», «Энг яхши галлакор


фермер», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор» номинациялари шулар сирасига қиради. Бу нимани аниглайди? «Ташаббус» га барча ҳўжалик юритувчи субъектлар жамоаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда. Кўрик-танловнинг нуфузи ортиб, қўламои миқёси кенгаймоқда, аҳамияти ошмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир мулкдор — тадбиркор, фермер ва хунарманд ўз меҳнати кадр топаётгани, эъзозлаётганини чуқурроқ ҳис этмоқда.

Мулкдорлари эъзоз топган юрт истиқболли эса ҳамиша ёруғ бўлмай. Нега деганда, бундан кейин ҳам уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бораверадди. Тадбиркорлар ишбилармонлар, яъни таракқиётимизнинг таянчи, суянчи ва устунига айланаётганлар кўпайди, демак, аҳолининг бандлик даражаси кўтарилади, одамларнинг даромади-даромад қўшилиб, турмуши яхшиланади, мамлакатимиз иқтисодиёти эса янада мустахкамланади.

Аслида олдимишга қўйилган пиروвард мақсаднинг мазмун-моҳияти, бу муддаонинг рўёбга чиқаришдан қути-лаётган ижобат шу.

Иқром ЎТБОСАРОВ, Сидд РАҲМОНОВ.

Энг самарали сармоя



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, албатта мухташам биноларга кўзимиз тушади. Бундай бунёдкорликлар орасида энг диққатга сазовори — мейморий жиҳатдан ўзига хос тарзда барпо этилаётган замонавий мактаб, академик лицей ва касб-ҳўнар коллежларидир.

Саводхонликка интилиш, илму хунар ўрганишга иштиёқ халқимизга хос хислат. Шу билан бирга, озгина мушоҳадага берилсак, тарбия масаласига ҳеч қачон бугунгидек эътибор қаратилмаганини англаймиз. Биргина Мактаб таълимини ри-вожлантириш давлат умумийлий дастури тўғрисида таълим-тарбия тизимини бутунлай янги-ча шакл ва мазмун касб этди. Қанчадан-қанча янги мактаблар қад ростлади. Дастурнинг умумийлий деб аталишида ҳам ўзига хос маъно бор. Яъни, таълим-тарбия, саводхонлик масаласи миллатнинг тақдирини, эртаси қандай бўлишини белгилайдиган омилдир. Бу борадаги ислохотларнинг самараси ўлароқ, тайёрланган альбомда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларимизнинг кўркам мактабларидан намуналар берилган. Бу мактаблар нафақат ташқи кўриниши, шу билан бирга, замонавий ўқув ус-қуналари, кенг ва ёруғ спорт

заллари, бой заҳирага эга кутубхонаси орқали ҳам диққатимизни тортади.

Президентимизнинг таълим соҳасига қаратаётган эътиборининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу ислохотлар фақат шаҳарда эмас, мамлакатимизнинг энг чекка туманлари, қишлоқларига етиб боришини таъминлашдир. Чунки қишлоқдаги боланин-инг шаҳардагисидан ҳеч қасри кам эмас. Шундай экан, уларнинг ҳам замонавий ўқув даргоҳларида ўқишларига улкан замин яратилаётганлигини бекиёс савоб, дейиш мумкин. Альбом мактаб ислохотининг ана шундай улўғ бир ҳақиқатини ҳам ўз саҳифаларида ёрқин гавдалантирган.

Навқирон авлодга кўрсатилаётган меҳр, эътибор, ғамхўрлик тўғрисида ёшларимизда илм олишга интилиш ҳисси ортиб бормоқда. «Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз, ҳеч қимдан кам бўлмайми!» деган қанотбахш жумла истиқлол фарзандларининг юрак-юрагига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам фанда янгилик қилаётган, ўзининг хулқ-одоби, билими, спортда эришаётган ютуқлари билан тендошларига намуна бўлаётган ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Альбом-китеб орқали ана шундай иқтидорли ўқувчилар билан ҳам танишиш мумкин.

Умумийлий дастурда таълим бериш сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Таълим сифатини яхшилашга эса фидойи ўқитувчилар, мураббийларнинг катта хизмати, меҳнати ҳал қилувчидир. Шу бонсдан мамлакатимизда ўқитувчи меҳнати ардоқланмоқда. Уларнинг орасидан ҳўкуматимиз ва халқимизнинг улкан эҳтиромига сазовор бўлган Ўзбекистон қаҳрамонлари, халқ ўқитувчилари, республикада хизмат кўрсатган спорт устозлари бор. Альбомда таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги ислохотларга муносиб жавоб бериб, обрў-эътибор қозongan ана шундай ўқитувчи мураббийларнинг су-ратлари ҳам жой олган. Улар билан халқимиз фахрланади.

«Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» Бу сўзлар замирида мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга ҳар доим юксак ишонч ва катта умид билан қараб кел-лаётганлиги ўз ифодасини топган. Альбомдаги манзаралар



лиқда хизмат кўрсатган спорт устозлари бор. Альбомда таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги ислохотларга муносиб жавоб бериб, обрў-эътибор қозongan ана шундай ўқитувчи мураббийларнинг су-ратлари ҳам жой олган. Улар билан халқимиз фахрланади.

«Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» Бу сўзлар замирида мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга ҳар доим юксак ишонч ва катта умид билан қараб кел-лаётганлиги ўз ифодасини топган. Альбомдаги манзаралар

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Эътироф

Мамлакатимиз Президентини «ЎзДЭУав-то» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқидан «Шубҳа йўқки, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутловчи қисмлар билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхона-лар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қиладиган, одамларимизнинг келажакка ишон-чи мустахкамлайди» дея алоҳида таъкид-лаган эди. Бугунга келиб, бу сўзлар ҳаётда тўлиқ ўз исботини топди.

Аккумулятор заводига — халқаро диплом

Ҳозирда мамлакатимиздаги ўнлаб корхона-лар ушбу автомобиль заводи учун бутловчи қисмлар етказиб бераётгани бунинг тасдиғидир.

«ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси — Жиззах аккумулятор заводи шулардан биридир. Бу ерда юқори технология асосида йилига 1 миллион донагача аккумулятор бата-реялари ишлаб чиқарилиб, 8 минг тонна кўро-шин қайта ишланмоқда. Айниқса, «Classik» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган 35,44,55,62,66,75,90,132 ва 190 ампер-соат ҳажмидаги кўрошин-кислотали аккумулятор бата-реялари сифати ва фойдаланиш муддати узоқлиги билан харидорлар эътиборини қозон-моқда.

Шу билан бирга, заводда ўз мuddатини ўтаб бўлган аккумуляторларни қайта ишлаб, улардан бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу корхонага иқтисодий фойда келтиряпти, ани чоғда кўрошин чи-қиндиларининг атроф-муҳитга таъсирини ка-майитрмоқда.

— Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизация-лаш, техник ва технологик қайта жиҳозла-шни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги Фармони биш учун айни муддао бўлди, — дейди корхона бош директори Қудратилла Рафиқов. — Ҳозир жамоамиз ушбу ҳужжат талаблари ижросини таъмин-лаш борасида муайян ишларни амалга ошир-моқда. Жумладан, ишлаб чиқаришга «DAGA», «MAC», «CONBRO», «PROPERZI» каби дунёга машҳур фирма ва компанияларнинг энг замона-вий технологиялари татбиқ этилгани тўғриси-да махсуслот ҳажми ортиб, сифати яхшиланди. Бу аккумуляторларни экспорт қилиш им-конини бермоқда.

Ҳинда корхона маҳсулотлари Москвада бўлиб ўтган «Токнинг мустанқил манбалари» хал-қаро кўргазмасида намойиш қилинди. Мута-хассислар ва харидорлар эътиборини қозон-ган аккумулятор бата-реялари II даражали диплом билан тақдирланди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

СОВРИНГА — КОНТРАКТ ПУЛИ

Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан ҳамкорлик ришталари тобора кенгайиб, мустақамланиб бормоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда Жа- нубий Корея Республикасининг 37 та йирик фирма ва компаниясининг вако- латхонаси фаолият кўрсатаётгани бу- нинг исботидир. Хусусан LG Electronics ком- панияси жаҳон бозорида юқори техно- логик, ахборот ва коммуникация махсу- лотларини ишлаб чиқариш бўйича етак- чи уринлардан бирини эгаллайди. Унинг умумий даромад ҳақми 35 миллиард доллар бўлиб, тўрт йўналишга (мобил коммуникация, рақамли мослама, рақам- ли дисплей ва медиа махсулотлари) эга. Компания ўз махсулотларини республи- камиз бозорига илгари суришдан таш- қари, ижтимоий лойиҳалар ўтказишга ҳам қатнашиб келмоқда.

Компаниянинг Ўзбекистондаги вако- латхонаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан бир- галикда 2003 йилдан буй «LG Grant» лойиҳасини ўтказиб келмоқда. Ушбу иж- тимой дастур юқори малакали мута- хассисларни рағбатлантириш, истеъдо- дли талабаларни аниқлаш, уларнинг қоб- иلياتларини ривожлантиришга моддий

ваффақиятли ўтди. Учинчи босқичдан сўнг эса уларнинг 10 нафари голиб деб топилди. Булар Тошкент давлат иқтисо- диёт, Ахборот ва коммуникация миллий университети, Тошкент молия, фармаце- втика, маданият, юридик, авиация ҳамда Самар- қанд давлат чет тиллар институтлари талаба- лари Афзал Қўлумуродов, Руслан Султонов, Ази- за Жабборова, Дилфоз Холматов, Шероф Нуриддинов, Гулноза Султонова, Эленора Фа- ниева, Бехзод Мусаев, Светлана Балова, Сун- натилло Журраевлардир.



Куни кеча «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши биносидан тўртинчи бор «LG Grant» 2007 танлови голибларини тақ- дирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таълим



«Санъат гунчалари» барқ урмоқда

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат гунчалари» республика курик- танловининг якунло- вчи — саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Қарийб саккиз йилдан буйён ёш мусиқачилар ўртасида ўтказилаётган ушбу тадбир юртимизнинг кўп- лаб истеъдодларини кашф этди. Уларнинг аксарияти буғунги кунда ну- фусли сахналарда юр- тимиз санъатини ҳам намои- иш этмоқда. Фортопиано- чи Динара Абдуллаева, скрипкачи Дониёр Холи- ко, пианиночи Элнора Аб- дуллаева ўз концерт дасту- рларини тақдим этаётган- ни гоё қувончлиқдир.

Куни кеча якунланган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги му- сиқа мактабларида таълим ол- лувчи ва вилоят босқич- ларида голибликни қўлга киритган 70 нафар 9 ёшдан 15 ёшгача бўлган иқтидорли болалар ўз- ро беклашдилар.

Нуфузли ҳайъат аъзо- ларининг ҳулосаларига кўра, ёш фортопианочи Нодира Дадамўхамедова танлов- нинг олий соврини — гран- прига сазовор бўлди. Шу- нингдек, тўққиз нафар иш- тирокчи голиб деб топи- либ, уларга тадбир таш- килотчилари «Соғлом ав- лод учун» жамғармаси, Маданият ва спорт иш- лари вазирлиги, Бастокорлар уюшмасининг эсдалик совгалари ва дипломи топ- ширилди.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тинч океанида нотинчлик

Соломонов оролларида Рих- тер шкаласи бўйича 8,1 балли зилзила рўй берди. Бунинг оқибатида оролларга цунами бостириб келди. Дастлабки маълумотларга қараганда, та- бий офат тўғрисида камиди 8 киши ҳалок бўлган, 30 миң- дан ортиқ аҳоли жабр кўрган. Юзлаб уйлар вайронага айланди. Аҳоли орасида бедарак йўқолганлар бор. «СНН» телеканалнинг хабарига кўра, цу- нами Индонезия ва Австралия қирғоқларига ҳам етиб кел- ди. Маҳаллий ҳукумат вакилнинг сўзларига қараганда, Со- ломонов оролларида урилган цунамийнинг баландлиги 10 метрни ташкил этди.



Қурбонлар сони кўпаймоқда

Буюк Британия мах- сус хизмати «Ал-Қои- да» ва унинг тарафдор- лари мамлакатдаги ёшлардан жангарилар тайёрлаб, Ироқ ва Аф- ғонистонга Англиянинг ҳарбий кучларига қар- ший курашиш учун жўнатишга ҳаракат қилаётганини маълум қилди.

Ўтган ой давомида Ироқда қурбон бўлганлар сони олдинги ойлардаги қараганда 15 фоизга кўпайган. Яъни мартда 2078 нафар тинч аҳоли ва ироқлик ҳарбийлар ҳалок бўлди. Шунингдек, ой да- вомида 85 нафар амери- калик ҳарбий ҳам турли террорчилик хуружи ту- файли оламдан кўз юмди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бу ҳақда «The Sunday Telegraph» газетаси Буюк Британия хавфсизлик хизматида олинган маълумотга таяниб, хабар тарқатди. Шунингдек, Бирлаш- ган Қиролликдаги халқаро террорчи ташкилотлар тарафдорлари маблағ йиғиб, Покистондаги жанга- рилар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қув- ватламоқда.

Теракт таҳдиди



Бу ҳақда «The Sunday Telegraph» газетаси Буюк Британия хавфсизлик хизматида олинган маълумотга таяниб, хабар тарқатди. Шунингдек, Бирлаш- ган Қиролликдаги халқаро террорчи ташкилотлар тарафдорлари маблағ йиғиб, Покистондаги жанга- рилар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қув- ватламоқда.

Ольмерт музокаралар тарафдори

Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт Араб давлатлари етакчиларини Яқин Шарқ мо- жароси юзасидан музокара- лар ўтказиш учун тинчлик конференцияси ўтказишга чакирди. Бу ҳақда у Қуддус- да Германия канцлери Анге- ла Меркель билан учрашуви- дан сўнг эълан қилган матбуот

анжуманида маълум қилди. Манбада келтирилишича, турли йилларда Исроил давлатининг барча бош ва- зирлари шундай чакирди билан чиққан, лекин бун- дай шаклдаги халқаро кон- ференция фақат бир марта — 1991 йилда Мадридда ўтказилган.

Авиашоудани ҳалокат

Бразилияда авиашоу ўтказилаётганда бир самолёт қулаб тушди. 35 ёшли Сезар Албукекер ди Алмейда ҳавода ўта қийин кўрғазмали машқни бажараётган эди. Натijaда учув- чи ҳалок бўлди. Ушбу фожиа тўрт миң киши гувоҳлигида юз берди. Айни пайтда авиаҳалокат сабаблари ўрганил- моқда.



Ўн йилда туғилган имконият

Непалдаги етакчи сиёсий куч- лар 10 йилдан сўнг биринчи бор мамлакатдаги мао исёнчиларнинг вақтинчалик ҳукумат таркибига ки- ришига розилик берди. Маорчилар ўн йил давомида мамлакатдаги мавжуд монархияни йўқ қилиш учун қуроли кураш олиб борди. Фуқаролар уруши даврида 13 миң киши ҳалок бўлди.

Расмий Техрон АҚШ қирувчи самолётлари мамлакат ҳаво чегарасини бузиб ўтганини маълум қилди.

Яна чегара бузилди...ми?

Таъкидланишича, иккита Америка қирувчи само- лёти яқинба куни мамлакатга Ироқ томондан ки- ribs келган ва осмонда иқ қолдириб, яна қайтиб кетган. «Ал-Алам» телеканалнинг хабар беришича, мамлакат шимоли-шарқидagi аҳоли самолётларини ўз кўзлари билан кўришган. Бирок Америка ҳарбийларининг Ироқдаги вакили ушбу маълумотни тасдиқламади.

Хиллари хонимнинг жамғармаси



Ўз номзодини АҚШ Прези- дентлигига қўйган сенатор Хиллари Клинтон сайловолди компаниясини ўтказиш учун сўнгги уч ойда 26 миллион доллар жамғарди. Бу рекорд кўрсаткичдир. Бундан ташқа- ри, унинг Сенат учун ўтказил- ган сайловларда йиғилган сайловолди жамғарма- сидан 10 миллион доллар маблағи ортиб қолган- ди. Шундай қилиб, Хиллари хонимнинг жамғармаси 36 миллион долларга етди. Демократлардан яна бир номзод Жон Эдвардс 14 миллион долларга яқин маблағ йиққан. Давлат раҳбарлигига даъвогар сен- натор Барак Обама ҳозирча ўзининг сайловолди жа- мғармаси қанчага етганини эълон қилгани йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Одатда, баҳор фаслида ёгингарчилик кўп бўлади. Аммо гувоҳ бўлганимиздек, бу йилги мартнинг сўнгги ҳафтасида юртимизда ўзга- чароқ об-ҳаво кузатилди. Қарийб саккиз кун давом этган ёмғир давраларда ўзига хос сўхбат мавзуга айланди:

— Ҳар кун эрталаб осмонга қарайман. Ҳаво ҳеч очилиб кетмади-да. Қизик, ёмғир яна неча кун ёрқини? — Билсангиз, ёмғирнинг кўп ёғишидан хосият бор. Деҳқончилик яхши бўлади. Ахир бу оби-рахмат. Унинг кузги бўғдой майсаларининг ривожига фойдаси катта.

— Куннинг исганига ишони- би, ерга барақат уруғ қадаб қўйган эканман. Нима бўлар- кини энди? Ҳаво ҳаво очил- мас? Кетгач, ҳеч нарса қил- мас? Бўёбга апрель келди, ахир.

— Мутахассислар жўяли гап айтмасалар, биз ўзимиз- ча башорат қилганимиздан не фойда?.. Шундай гурунлар сабаб,

республика Гидрометеороло- гия хизмати маркази мута- хассисларига мурожаат қил- ди. Уларнинг таъкидлашича, Урта Ер денгизида ҳосил бўлиб, Туркменистон орқали юртимизга кириб келган бу- ларлар оқими давомли ёгин- гарчиликни келтириб чиқар- ган. Ҳатто тоғли ҳудудларда

Иқлим

ёмғир аралаш қор ёғиши ҳам кузатилди. Лекин бундан ха- вотирланмишга ўрин йўқ.

— Мутахассислар жўяли гап айтмасалар, биз ўзимиз- ча башорат қилганимиздан не фойда?.. Шундай гурунлар сабаб,

Ушбу кунлари шамол гарбдан секундида 15-20 метр тезликка эсади. 7 апрелдан бошлаб эса ҳаво- нинг яна очилиб кетиши ку- тилмоқда. Айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат ке- чалари 2-7, кундуз кунла- ри 10-15 даража илик бўла- ди. Баъзи кунларда эса ҳарорат кундузи 20 дара- жагача кўтарилиши мумкин. Тоғли ҳудудларда ҳам ўзагаруван об-ҳаво кузати- лади. 4-6 апрель кунлари қисқа муддатли ёгингарчи- лик бўлади. Апрельнинг 3-6 кунлари эса қўчки хавфи бор. Туман тушади. Шамол гарбдан секундида 7-12 метр тезликка эсади. 5-6 апрель кунлари айрим жой- ларда шамолнинг тезлиги 15-20 метргача етиши мум- кин. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража илик ўртасида, кун- дуз кунлари эса 0-5 дара- жадан 7-12 даражача илик бўлади.

Ш.Ортиқов.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Москвадаги байрам учрашувлари

Йилгиликларни қутлар экан, Россия Федерацияси ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А.Денисов ўтган 15 йил давомида томонлар дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлан- тиришда катта йўлни босиб ўтганини таъкидлади. Унинг айтишича, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик- нинг асосини стратегик ше- риқлик ва иттифоқчилик та- мойиллари ташкил этиб, юқори даражадаги ўзаро му- локотларда юксак ишонч ва самимилик руҳи ҳукмрон.

Учрашувда сўзга чиққан Ев- росий иқтисодий ҳамжамия- ти (ЕврАзЭС) Бош котиби Г.Рапога юртимиз мазкур ҳамжамиятга қўшилганининг муҳимлигига ургу бериб, бу ҳамжамиятнинг салоҳияти ва имкониятларини юксалтириш-

га хизмат қилганини таъкид- лади. Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 15 йилли- ги баҳор байрами — Наврўзга тўғри келди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғар- маси, Ўзбекистон Республика- си Маданият ва спорт ишла- ри вазирлиги Москвадаги эл- чихонамиз билан ҳамкорлик- да юртимиз санъат усталари- нинг концерт дастурини таш- кил этди. Маросимнинг бадий қис- мидан катта завқ-шаққ олган меҳмонлар байрам дастурхо- ни атрафига тўғрилиб, баҳор- ий таомлар, жумладан, сума- лақдан тотиб кўрдилар.

«Жаҳон» АА, Москва.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, тоқзор, бог, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб сугориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини етказиши. Мутахассисларимиз экинларни сугориш ва ўғитишда маслаҳатлар беришди.

Бундан ташқари, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасур-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қуришида ишлатилган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
- фиброглас ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС — тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.

Туловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини тақдиф этамиз.

Кредитга расмийлаштириш имконияти

Навоий кўчаси, 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68. E-mail: geo_inform@yahoo.com

Махсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH 南方测绘 Trimble B.V.(Нидерланды) СПЕЦИАЛ

«ОКСИГУМАТ»

Ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озикланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янги, юқори самарали, бетақорр хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, қўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.

- ҳосилдорлиқни оширади,
- махсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидagi микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озикланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқшини камайтиради.

Бодринг	— 30-40%
Бугдой	— 35-40%
Гуллар	— 13-25%
Дуққали экинлар	— 60-80%
Картошка	— 40-50%
Кунгабоқар	— 50-70%
Лавлаги	— 35-40%
Маккажўхори	— 40-60%
Пахта	— 50-70%
Пивз	— 30-40%
Полиз экинлари	— 50-60%
Помидор	— 25-30%
Сулпи	— 20-40%
Шоли	— 70-90%

«ОКСИГУМАТ» — қўшимча ҳосилни таъминлайди.

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлаштириш учун рўхсат этилган. ГУВОНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси
Манзил: Тошкент ш. Ф. Мавлонов к., 52/2 уй.
Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечқурун), 330-13-44.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йилнинг 18 декабрь, 2007 йилнинг 18 январь ва 2 март кунлари Республика Кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган аукцион савдоларида «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасининг суд (туғатиш) бошқарувчиси томонидан қўйилиб, ўз харидорини топмаган «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасининг мулкий мажмуаси 2007 йил 2 май куни бўлиб ўтadиган аукцион савдосига такоран қўйилди.

Савдоларга қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахслар катнашиши мумкин. Савдо голиби туғатилган «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасининг мажбуриятлари ижросини Ўзбекистон Республикаси ҳончилигида белгиланган талаблар асосида ўз зиммасига олади.

«Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонаси мулкий мажмуасининг 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига бошланғич баҳоси — 172 858 400 000 сўмини ташкил этади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензияси нусхасини тақдим этишлари ва объект бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдорда закалат пулини Республика Кўчмас мулк биржаси марказий идорасининг куйидаги:

АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиали,
МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.
Республика Кўчмас мулк биржаси марказий идораси манзили:
Тошкент ш., С.Рахимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ураббоев к., 1-«А» уй.
Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

АБИТУРИЕНТ — 2007

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎҚИШГА КИРУВЧИ ЁШЛАРИНИ

ГУБКИН НОМИДАГИ НЕФТЬ ВА ГАЗ РОССИЯ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

математика, физика, рус тилидан кириш имтиҳонларига мақсадли (йўналтирилган) тайёрлайди.

Республика олий ўқув юртлирида кирувчиларни тестга математика, физика, инглиз тили ҳамда ўзбек ва рус тилларидан тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 3, 2, 1 ой. Ўқиш — 1 апрель, 1 май ва 1 июндан бошланади.
Дарслар Губкин филиали учун рус тилида, республика олий ўқув юртлири учун ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Университет» кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, «Олий математика» кафедраси (7-қават, 708-хона). Телефон: 396-82-40 (ички телефонлар: 270, 263).

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Чиноз тўқимачи ЛТД» ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси

Тошкент вилояти хўжалик сўдининг 2007 йил 28 мартдаги 11-0706/946-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб тоғилиб, туғатиш ишлари жорий қилинди.

Корхона бўйича даъво ва кредиторлар талаб-аризалари туғатиш бошқаруви томонидан куйидаги манзил бўйича (1б) ой мuddат ичидa Чиноз шахси, Самарқанд кўчаси, 100-уйда қабул қилина- ди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2007 йил 6 апрель куни соат 10.00да Чиноз шахси, Самарқанд кўчаси, 100-уйда бўлиб ўтади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-91-46, 144-91-47, 144-91-48, факс: 144-91-49.

Туғатиш бошқаруви.

Фирма ўз материалларидан томларни рубероид ва битум билан ёпиб беради.

Тулов шакли — турлича. Телефон: 340-99-37.

